

## “ДЎХТУР МУХАММАДИЁР” АСАРИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

Хуршида ЖАЛИЛОВА

*тадқиқотчи*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий*

*университети*

[khurshida@mail.ru](mailto:khurshida@mail.ru)

Маърифат нафақат таълим тизими, балки инсон дунёқараши, кундалик юриш-туриши, ахлоқ-одоби, атрофидагиларга муносабати, меҳнати, билими ва тажрибаси, вужуд ва руҳ соғломлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунча. У одамни илмсизлик ва жаҳолат ботқоғидан қутқариб, ёруғ уфқлар томон етаклайди. Шу сабабли XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракатининг диққат марказида таълим соҳасидаги ислохотлар билан бирга миллатнинг турмуш даражасини кўтариш, ўлканинг иқтисодий муаммоларини ечиш каби масалалар ҳам турган. Миллий уйғониш даври йирик маърифатпарвар адиблари Бехбудий, Авлоний, Фитрат орасида Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон бамисоли чарақлаган юлдуз каби алоҳида ўринни эгаллайди. Шоирнинг адабий мероси серқирра, у лирика, проза, драматургия, публицистика ҳамда таржималарни ўз ичига олади. Чўлпоннинг насрий асарлари ўзининг лириزمи билан, шеърияти эса чуқур ғоявий оҳанги билан ажралиб туради. Адиб ижодида ватанпарварлик ғояси тараннум этилиб, реал ҳаётдаги жаҳолат, қашшоқлик, саводсизлик бадиий тасвир воситалари орқали моҳирона реалистик усулда баён этилади. Чўлпон ўзининг бутун ижоди давомида ўз ватандошлари – Туркистон халқининг оғир ҳаётини, унинг асл сабабларини аянч ва дард билан куйлайди, ўз асарлари орқали миллатни ғафлат уйқусидан уйғотишга интилади.

Ўз илмий фаолияти давомида шоир ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганган, у ҳақида илмий ва бадиий-биографик асарлар яратган адабиётшунос Наим Каримов адиб ижодига шундай баҳо беради: “Чўлпоннинг улуғворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва раванқ топишига улкан ҳисса қўшибгина қолмасдан, халқда ватан, миллат, истиқлол тушунчаларининг теран маъно касб этишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди. Ўзга сўзлар билан айтганда, у халқда Хуррият туйғусини уйғотди, унинг кўзидаги ғафлат пардасини олиб ташлади, унда Ватанга муҳаббат, Келажакка ишонч ҳисларини тарбиялади. Унинг фуқаролик жасорати худди шундадир” (2).

Дарҳақиқат, Чўлпоннинг адабий меросига назар ташлар эканмиз, унда муаллифнинг илк ижодидан бошлаб мустамлака шароитида ғафлат уйқусига ботган халқни уйғотиш, унинг қалбига маърифат, миллий истиқлол каби ғояларни сингдиришга киришганлигини кўрамиз. 1914 йили адибнинг “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояси бунга мисол бўла олади. Асарда муаллиф маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида гавдаланади.

Бу асар сюжет ва композициясига кўра XVIII аср Европа маърифатчилиқ қиссаларига яқин туради. Қиссада ота ва ўғилнинг турли вақтларда қилган саёҳатлари ҳикоя қилинади. Асарнинг бошида Муҳаммадиёрнинг отаси Ҳожи Аҳмад ҳаёти тасвирланади. Ҳожи Аҳмад 15 ёшлигида отаси билан ҳаж сафарига бориб, у ердан отасининг вафот этганлиги сабабли ёлғиз ўзи 10 йил давомида кўпгина мамлакатларни кезиб, форс, араб, рус ва бошқа тилларни ўрганиб қайтади. Халқ орасида Ҳожи Аҳмад 72 тилни биладиган ҳожи сартарош деб ном чиқаради. Саёҳат давомида ўқимаганлиги боис Муҳаммадиёрнинг отаси анча машаққатларга дучор бўлади. Шунинг учун у ўз ўғлини астойидил ўқитишга киришади. Муҳаммадиёр рус муаллимлари кўлида таълим ва тарбия олади. “Жаҳолат қурбони” бўлган отасидан айрилган ўғил ҳам сафарга отланади. Бироқ ўғилнинг саёҳат йўли ўзгача...

Чўлпон Муҳаммадиёр образи орқали 20-йиллар бошида ўзбек ёшларининг онгида содир бўлаётган ўзгаришларни очиқ беради. Асарда муаллиф персонаж сафари орқали ватанининг аянчли аҳволини, ватандошларининг замондан орқада қолганликлари ва оғир турмуш кечираётганликларининг сабаби билимсизлик, нодонлик эканлигини таъкидлаб, фақат маърифат ила ёруғ кунларга эришиш мумкин деган ғояниилгари суради.

Сафарининг биринчи соатларидан Муҳаммадиёр вокзалдаги тартибсизликлар, яъни мусулмон халқининг нодонлик, саводсизлиги туфайли бири борадиган бекатнинг номини билмай, бошқа йуналишга чипта олиб қўйган, бири хуржунини йўқотган, бирини поезд маъмурлари тутиб уришганини кўриб кўнгли аянчга тўлади. “Эй Чингиз ва Темур аскарларини кўрган қоп-қора тоғлар! Эй, ватаним Туркистоннинг эски даврини кўрган тоғ боболар! – дейди Муҳаммадиёр юриб кетаётган поезддан ватанини кузатар экан. – Чин айтинг! Бу йигирманчи аср маданиятини ҳам кўриб турубсиз. Ўн кунлик йўлни ўн соат қилгон бу йигирманчи аср маданиятининг айғирини кўруб ватандошларим нимага оғзиларин очуб қоладилар? Нимага бу маданиятга кирмакка ўзлари ҳаракат қилмайдилар? Қачонгача икки ғилдиракли, кўчаларга сиғмайдиган

аробалар. Эй ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? ... Кўз олдингизга келиб турғон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Уринунглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди!”(1, 275) – деб қайғуради.

Муҳаммадиёр дастлаб Бокуга боради. Озарбайжон маърифатпарварларининг “Жамияти хайрия” томонидан ажратилган маблағ ҳисобига гимназия ва тиббий билим юртида таҳсил олади. Муҳаммадиёр ўқишни олтин медал билан тамомлаб, “Жамияти хайрия” ёрдами орқали Петербург университетининг медицина факультетида таълим олади. Ёш истеъдодли ўзбек йигити шу билан кифояланмай, ўз малакасини Швейцария олийгоҳида оширади:

“Мана ғайрат самараси, мана ғайрат меваси, мана ҳаракат гуллари... Ибрат... ибрат... ибрат... Мана “Жамияти хайрия” фойдаси, мана иттифоқлик самараси, мана бирлик меваси...” (1, 278), деб, Чўлпон ёш авлодни ғайрат ва шижоат билан илм олишга, Туркистон бойларини эса пулларини айш-ишратга эмас, балки Муҳаммадиёр каби ёшларни қўллаб-қувватлашга, сармояларини маърифат йўлига сарфлашга чақиради. Муҳаммадиёр боқулик дўстлари билан хайрлашар экан, ўз олдига “...Мен ҳам ватанимга бордигим ила қўлларимни шумориб жаҳолатда қолган қардошларингизни уйғотмоқ ва турғизмоққа ғайрат қиламен” (1, 279), деган улуғ мақсадни қўяди. Поездда Туркистонга яқинлашар экан, яна юрт қайғуси, дарди, Муҳаммадиёрнинг кўнглини азоблайди: “Қани... суюкли ўғлини ўқутган ва тарбия қилган Исвейчара қишлоқлари? Қани 7-8 қабатлик зийнатлик тоғлар қадар хоналар? Ҳозир онлар йўқ! Они ўрнига пастгина ҳашак ва лойдан ясалган бинолар ва онларда сафил бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топгани бачча, улоқ ва ичкуликка ҳам домла-эшон ва бойларга шалдуратуб тўн ва зардоблар берган, бойлар кўлинда қул ҳукмида бўлуб юрган ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва ҳаммаси мусулмонлар...” (1, 280).

Илм-фан, маданият, саноат ва техникаси ривожланган Европа давлатларини кўриб келган Муҳаммадиёрга жаҳолат ботқоғига ботган халқининг аянчли аҳволи янада яққол кўринар, дилини орғитар эди. Поезддан она юртининг гўзал табиатини томоша қилар экан, кўнгли анча ёришади: “Чиройли манзаралари –узоқ-узоқ, буюк-буюк, яшил-яшил ва баланд-баланд тоғлари Исвейчарадан кам эмас эди... нима экса шуни олса бўладурғон маҳсулдор тупроқлари ила Амриқодан ҳеч камлиги йўқ эди. Илмсиз бойлари, жоҳил “олим»лари, ёлғон эшонлари ва исрофнинг қони бўлуви ила ҳеч бир нарсага ўхшамас эди... Халқ ўз фойдасин англеса,

миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунлариға болаларин юборса, дўктур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис (инженер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларинда туруб ишларин тартиби ила юргузсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!” (1, 280) – деган хаёллар билан Муҳаммадиёр ўз шаҳрига етиб келади. Шаҳарга кириб борар экан, кўнгли анча ёришади:

“Шаҳарнинг руслар турадиган қисминда ажиб даражада ўзгаришлар: янги-янги нумерлар, боғлар, боғчалар, магазинлар, тياتрулар, мактаблар, “Метрупул”, “Роси” нўмирлари, йўллар тош, кўчалар кенг, электрик фонарлар Исвейчарага ўхшар эди!... Фақат шаҳарнинг мусулмонлар турадиган қисми аввал қандай бўлса, яна шундай эрди!...” (1, 280).

Муаллиф европаликлар ва мусулмонлар яшаш даражаси ўртасидаги тафовут ватандошларининг бой ресурслардан фойдалана олмасликлари, яъни илмсизликда деб қайта-қайта ёзади. Асар оптимистик руҳда ёзилган бўлиб, яъни Туркистон замини ҳам Швейцария ва Америкадан кам эмаслиги, балки Муҳаммадиёр каби янгича фикрлайдиган ёшлар келажакда маърифатчилар орзу қилган ҳур ўлкани, иқтисодий ва маданий илғор давлатни қуришлари мумкинлиги ишончи туйғуси билан суғорилган. “Тарих фактлари шундан далолат берадики, Чўлпон хорижий мамлакатларга ўқишга кетган йигит ва қизларимизга “оқ йўл” тилабгина қолмай, балки уларга зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиб ҳам турган. Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Улуғ Туркистон” газетасида босилган (1917 йил, 4 ноябрь) қуйидаги ташаккурномасига шу жиҳатдан кўз ташлаган кишида Чўлпонга нисбатан ҳурмат туйғусининг уйғониши табиийдир: “Бошимга тушган оғир фожиалар сабабиндан, – деб ёзган эди Мирмуҳсин, – бу қиш таҳсилим учун мутлақо ёрдамга муҳтож бўлиб қолган эдим. Мана шул ҳолимни эътиборга олиб, Туркистоннинг очик фикрли ёшларидан Абдулҳамид афанди Сулаймоний ила Мирюсуф афанди Мирзаҳамидбоевдан бир миқдор иёна топширилди ва тағида ваъда этилди. Иёна соҳибларининг ҳар бирига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Яшасин шундай ҳимматли ёшлар! Шундай миллий ҳимматгагина таяниб, мен Уфага - “Мадрасаи Олия”га кетдим...” Чўлпонга нисбатан бундай миннатдорчилик сўзларини Германиядан Абдуваҳоб Муродий ҳам ёзган” (2). Чўлпон асарлари орқали илгари сурган нияти, орзулари, айтган ҳар бир сўзларини амалга оширишга астойдил киришган ва ўз ишлари билан барчага ибрат бўлган. Ўзининг идеали сифатида яратилган Муҳаммадиёр образига яна бир назар ташласак. Муҳаммадиёр ғайрати, шижоати, интилиши билан омади юришиб, ўз ватанида хусусий шифохона, хайрия жамияти очади. Кейинчалик рўзнома ва ойнома нашр эттира бошлайди. Муҳаммадиёрнинг руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлари

муаллифнинг ғоявий-маърифий қарашларини, унинг орзу-умидларини, ёш авлодга нисбатан ишончини акс эттиради. Чўлпон мазкур асарида маънавий-маърифий масалаларни кўтариб чиқар экан, XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилари, жумладан Голдсмитнинг “Дунё фуқароси” асарига айнан шу жиҳатлари билан ҳамоҳанг бўлади.

Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган роман муаллифи Наби Жалолиддиннинг “Чўлпон – жасорат тимсоли” мақоласидаги қуйидаги фикрларга эътибор берайлик “...у 20-30-йилларда элнинг чинакам “юлдуз” шоири эди. Қалб туғёнлари ҳам миллат дарду изтиробларига жуда-жуда яқин, ҳамоҳанг бўлган... У мустабид тузум даврида, жони муқаррар хавф остидалигида ҳам Ватан озодлигини, миллат эркини баралла куйлай олган ижодкордир. Унинг ҳаёти ва ижоди, курашлари ёшлар, айниқса, йигитлар тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Чунки у йигитларимизни мардликка, Ватан учун фидойи бўлишга ундайди” (3).

“Дўхтур Муҳаммадиёр” асари яратилганлигига юз йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай ўз долзарблиги билан ажралиб туради, зеро маънавият-маърифат, ватанпарварлик, фидойийлик ғоялари илгари сурилган асарлар мангу яшайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Чўлпон. Асарлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
2. <http://www.edebi.net/index.php/kardes-edebiyatlar/oezbek-edebiyati-ozbek-adabiyoti/20-21-as-r/999-2013-06-24-09-45-11/>Наим Каримов - Чўлпон/истиқлол йўлида.
3. <http://uza.uz/oz/culture/ch-lpon-zhasorat-timsoli-20-02-2018/> Наби Жалолиддин. Чўлпон – жасорат тимсоли.